

# Тавҳид ва иймон 12

«Мухтасар ал-Фиқх ал-Исламий» китобидан иқтибос

[ Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي ]

*Мұхаммад ибн Иброҳим ат-Тувайжирий*

**Таржимон:** Абдуллоҳ Солих Насағиій

**Мұхаррір:** Абы Абдуллоҳ Шошій

2015 - 1436

**IslamHouse**.com

# التوحيد والإيمان 12

مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي

« باللغة الأوزبكية »

محمد بن إبراهيم التوبيجري

مترجم: عبد الله صالح النسفي

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2015 - 1436

IslamHouse.com

## **ҲИСОБ ВА МЕЗОН**

**Ҳисоб:** Оллоҳ таоло қиёмат кунида бандаларини ҳисоб-китоб қилиш учун ҳузурида жамлайди ва ҳар бирининг дунёда қилган амалларини ўзига кўрсатади. Ундан кейин эса, яхши амалларнинг савобини ўн баробардан етти юз баробаргача ва ундан ҳам бир неча баробар зиёда қилиб беради. Ёмон амалларнинг жазосини эса, кўпайтирган ва камайтирган ҳолда, бирига бир қилиб беради.

### **Номаи аъмол китобини олиш кайфияти:**

Маҳшардаги одамларнинг ҳаммасига бу дунёда қилган яхши ва ёмон амалларининг китоби берилади. Жаннат аҳлиниңг китоби ўнг қўлига ва жаҳаннам аҳлиниңг китоби чап қўлига орқа тарафидан берилади.

**«Эй инсон, албатта сен меҳнат-машаққат чекиб Парвардигорингга (яъни Унинг мукофот ёки жазосига) боргувчисан, бас,**

(бу ҳаёти дунёдан ўтганингдан сўнг) У зотга йўлиққувчисан.

**7. Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса.**

**8. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак.**

**9. Ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли-оиласига шоду ҳуррам ҳолда қайтажак.**

**10. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса.**

**11. Бас, у ўлимини чақириб қолажак.**

**12. Ва дўзахга киражак!» (Иншиқоқ: 6-12).**

**«Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, бас, у дер: «Эх, қанийди, менга китобим берилмаса эди!**

**26. Ва мен ҳисоб-китобим (яъни оладиган жазойим) нима эканлигини билмасам эди!**

**27. Эх, қанийди, ўша (биринчи ўлим барча нарсани) тугатгувчи-узгувчи бўлса (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) эди!» (Ал-Ҳааққо: 25-27).**

## **Мезоннинг (тарозининг) ўрнатилиши**

Қиёмат куни одамларни ҳисоб-китоб қилиш учун тарозилар ўрнатилади. Оллоҳ таоло одамларни бирма-бир ҳисоб қиласди, уларнинг қилган амаллари ҳақида сўрайди.

Ҳисоб-китоб тамомлангач, амаллар тарозида тортилади. У икки паллалик ҳақиқий тарозидир.

**“Биз қиёмат куни учунadolатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтиурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилгувчи дирмиз”** (Анбиё: 47).

**“Бас, энди (у Кунда) кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўша (ҳар бир инсон) рози бўладиган-орзу қиласиган ҳаётда бўлур.**

**8-9. Энди кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил келса, унинг жойи «жарлик»дир!**

**10. Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?!**

**11. (У) қизиган дўзахдир!” (Ал-Қориъа: 6-11).**

Ибн Умар разияллоҳу анҳу дейдилар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: мўмин киши қиёмат кунида Раббиси азза ва жаллага шу қадар яқин бўладики, ҳатто Раб таоло унинг устига қўлини қўяди ва қилган гуноҳларига иқрор қилдиради ва дейди: “Шу гуноҳларингни биласанми?” Мўмин: “Ҳа, биламан, эй Раббим”, дейди. Раб таоло: “Мен бу гуноҳларингни дунёда сатр қилдим, бугун уларни кечираман”, дейди. Мўминнинг гуноҳлари кечирилиб, яхши амаллари ёзилган китоби қўлига берилади.

Аммо кофирлар ва мунофиқлар эса, барча халойиқларнинг устида: “Мана булар Оллоҳга ёлғон тўқиганлардирлар”, — деб эълон қилинади” (Муттрафакун алайҳи).<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бухорий (2441), Муслим (2768).

## **Инсонлар қиёмат кунида нимадан сўраладилар?**

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат кунида жавоб беради)» (Исро: 36).

«(Эсланг, Оллоҳ қиёмат кунида) уларга нидо қилиб: «Сизлар (бор деб) гумон қилгувчи бўлган «шерикларим» қаерда қолишди?» деганида, устларига Сўз — азоб тушиши ҳақ-муқаррап бўлган кимсалар (яъни одамларни Ҳақ йўлидан оздирган доҳийлар): «Парвардигоро, ана у бизлар йўлдан оздирган кимсаларни ҳам худди ўзимиз йўлдан озган каби йўлдан оздиргандирмиз (яъни бизлар ҳам, барчамиз ўз ихтиёrimиз билан озгандирмиз). **Бизлар Сенга** (яъни уларнинг йўлдан озишларига айбдор эмасмиз) оқдирмиз. Улар бизларга ибодат қилгувчи бўлмаганлар, (балки ўз ҳавои нафсларига ибодат қилганлар)», дерлар» (Қосос: 62).

“(Оллоҳ) уларга нидо қилиб: «Пайғамбарларимга нима жавоб қилган эдинглар?» дейдиган кунда” (Қосос: 65).

“Парвардигорингиз номига қасамки, албатта, уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш — амаллари ҳақида сўраймиз” (Хижр: 92-93).

“Етимнинг молига то у балоғат ёшига етгунича яқинлашганлар, магар энг чиройли йўсинда (унга бирон зиён етказмасдан яқинлашинглар — тасарруф қилинглар). Аҳдга вафо қилинглар. Зеро, аҳд-паймон (Қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир” (Исро: 36).

“Сўнгра ана ўша Кунда албатта (ҳаёти-дунёда сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар” (Такасур: 8).

“Энди албатта пайғамбар юборилган кишилар билан ҳам, юборилган пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз. Энди албатта уларга, билган

**ҳолимизда, (қилиб ўтган ишлари ҳақида) сўйлаб берурмиз.** (Зотан) **Биз ғойиб — йўқ эмас эдик,** (балки барча нарсага гувоҳ бўлиб турган эдик)” (Аъроф: 6).

Абу Барза ал-Асламий разияллоҳу анху дедилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “*Қиёмат қунида инсон токи, умрини нималар билан ўтказганини, билган илмига қандай амал қилганини, қаердан молни топиб, қаерга сарфлаганини ва жисмини қандай амаллар билан қаритганининг жавобини бермагунича Раббисининг олдида тик туради*”.<sup>1</sup>

## **Ҳисоб китобнинг кайфияти**

Инсонлар ҳисоб қилинишда икки синфга бўлинадилар:

Биринчи синф инсонлар, енгил ҳисоб қилинадилар, уларнинг амаллари фақат бир марта рўпара қилиб кўрсатилади, ҳар бир амаллари алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилинмайди.

---

<sup>1</sup> Саҳиҳ ҳадис. Термизий (2417), Доримий (543).

Оиша разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “*Кимнинг амаллари қиёмат қунида ҳисоб-китоб қилинса, албатта ҳалок бўлади*”, дейдилар.

Шунда Оиша разияллоху анху дедилар: “Мен дедим: “Эй Оллоҳнинг Расули! Оллоҳ таоло: **“Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак”**, демадими?!.

Расууллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: “*Уларнинг амаллари фақатгина бир марта рўпара қилиб кўрсатилади, ҳар бир амаллари алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилинмайди. Кимда ким амаллари ҳисоб-китоб қилинганда муноқаша қилинса (яъни бирма-бир ҳисоб қилинса), шубҳасиз азобланади*.<sup>1</sup>

Иккинчи синф инсонлар, оғир ҳисоб-китоб қилинадилар. Улар ҳар бир катта ва кичик ишлари учун муноқаша қилинадилар. Агар қилган гуноҳларига иқрор бўлсалар, шу

---

<sup>1</sup> Бухорий (6537), Муслим (2876).

икрорлари билан жазоланадилар. Агар айбларини тан олмасдан яширсалар, Оллоҳ таоло уларнинг оғизларига муҳр босиб, бошқа аъзоларини гапиртиради.

**“Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур”** (Ёсин: 65).

### **Бошқа умматлардан ҳисоб-китоб қилинадиган тоифалар**

Қиёмат кунидаги ҳисоб-китоб барча инсонлар учун умумий бўлади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам булардан етмиш минг кишини жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз киришини истисно қилганлар.

Кофирлар ҳисоб-китоб қилинганларида, уларга амаллари рўбару қилинади. Улар гуноҳларига яраша азобланадилар, кимнинг гуноҳи кўпроқ бўлса, унинг азоби гуноҳи озлардан кўра қаттиқроқ бўлади. Гуноҳи озларидан азоб енгиллаштирилади, лекин жаннатга кирмайдилар.

Қиёмат кунида энг аввал ҳисоб-китоб қилинадиган уммат Мұхаммад соллаллоху алайхі ва салламнинг умматлари дир. Мусулмон киши энг аввал намоздан сўралади, агар намоз тўлиқ бўлса, қолган амаллари енгил ҳисоб қилинади. Агар намозда камчилик бўлса, қолган амаллари ҳам қаттиқ ҳисоб қилинади. Одамларнинг ўртасида энг аввал тўкилган қонлар учун ҳисоб-китоб қилинади.

## **Амалларни ўлчашнинг кайфияти**

Қиёмат кунида бандаларнинг яхши ва ёмон амаллари мезонда ўлчанади, кимнинг ёмон амаллари оғир келса, ҳалок бўлади.

Оллоҳ таоло бандаларнинг ўртасидаги адолатини зоҳир қилиш учун инсоннинг ўзини, амалларини ва саҳифасини мезонда тортади.

Қиёмат кунида банданинг мезонида қўйиладиган энг оғир нарса — ҳусну хулқdir.

**“(Амалларни) тўғри тортишлиқ ўша  
Куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган (яхши**

амаллари) **оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир.**

**9. Кимнинг тортилган** (яхши амаллари) **енгил бўлса, бас, улар** (Бизнинг оятларимизни инкор қилиш билан) зулм қилиб ўтганлари сабабли ўзларига зиён қилган кимсалардир» (Аъроф: 8-9).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: «*Қиёмат кунида жисми катта, семиз инсонни мезонга келтирилади ва у Оллоҳнинг ҳузурида пашшанинг қанотича ҳам вазнни эгалламайди.* Агар истасангизлар шу оятни ўқинглар: «**Бас, Биз Қиёмат кунида улар** (қилиб ўтган амаллар) учун ҳеч қандай қадр-қиймат бермасмиз!» (Муттрафақун алайҳи).<sup>1</sup>

## **Қиёмат кунида кофирларнинг амалларининг ҳукми**

Қиёмат кунида иймонсиз қилганлари учун кофирларнинг ва мунофиқларнинг бу

---

<sup>1</sup> Бухорий (4729), Мұслим (2785).

дунёда қилган амаллари қабул қилинмайди. Уларнинг қилган барча амаллари ҳабата бўлади.

**“Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Ундан кимсалар** (Қиёмат Кунидан) **Парвардигорларига рўбару қилинурлар ва барча гувоҳлар:** «Мана шулар Парвардигор шаънига ёлғон сўзларини сўзлаганлар», дейдилар. Огоҳ бўлингизким, бундай золимларга Оллоҳнинг лаънати бўлур” (Худ: 18).

**“Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар қилган амалларининг мисоли худди бўронли кунда қаттиқ шамол учираш кетган кулга ўхшайди — улар қилган амалларидан бирон фойдага эга бўла олмайдилар. Бу — йўлдан озишнинг ўзидир”** (Иброҳим: 18).

**“Улар фаришталарни қўрадиган кунни** (яъни қиёмат кунини эсланг), **У кунда жиноятчи кимсалар учун бирон хушхабар бўлмас. Ва** (фаришталар уларга) дерлар: «(Ҳар қандай хушхабар сизлар учун) **бутунлай ҳаромдир».** (Зотан) **Биз улар қилган ҳар бир**

(яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз” (Фурқон: 22-23).

## **Дунёда қилган амалларини қиёматда кўриши**

Қиёмат кунида бандаларнинг қилган амаллари ўзларига кўрсатилади, ҳар бир инсон ўзининг қилган катта ва кичик амалини қўради. “Залзала” сурасида келганидек:

**“Ўша Кунда одамлар, уларга (қилиб ўтган амаллари)нинг жазо ёки мукофотлари кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!”** (Залзала: 6-8).

## **Амаллар учун ҳам дунёда ва ҳам охиратда мукофот берилиши**

Анас разияллоҳу анҳу айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Оллоҳ таоло мўминнинг яхши амалларини зоя кеткизмайди, унинг мукофотини

*бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам беради. Аммо коғир банда, қилган яхши амалларининг эвазига бу дунёда ризқланади, қиёмат қунида эса, савоб оладиган бирор яхши амали қолмайди".<sup>1</sup>*

## **Қиёмат қунида ёш гўдакларнинг ҳукми**

Ёш ҳолида вафот қилган гўдаклар, отоналари мусулмонлар бўлса ҳам, мушриклар бўлса ҳам, улар оталари Одам алайҳиссаломнинг суратида жаннатга кирадилар ва катталар жаннатда уйланганлари каби, улар ҳам уйланадилар. Зеро жаннат аҳлининг ичида бўйдоқлари бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Муслим (2808).